



**БЮДЖЕТ СОҲАСИДА БЛОКЧЕЙН  
ТЕХНОЛОГИЯЛАРДАН САМАРАЛИ ФОЙДАЛАНИШ  
ТАЖРИБАЛАРИ**

*Атажсанов Муродбек Бекбергенович*

*Мустақил тадқиқотчи*

*Аннотация.* Ҳозирги кунда рақамли технологиялардан блокчейн технологияси бюджет маблағларини самарали ишлатиш, уларни талон-тороғ қилишда самарали восита сифатида қўлланилиб келинмоқда, буни ривожланган мамлакатлар тажрибалари ҳам кўрсатиб турибти.

Блокчейн – бу маълум қоидалар билан бошқариладиган ўзаро боғланган блоклардан фойдаланган ҳолда маълумотларни ташкил қилиш усулидир. Занжирдаги ҳар бир блок олдинги блокдаги маълумотларни ўз ичига олади. Бу технология алоҳида-алоҳида (марказлашмаган) тамойил асосида ишлайди, яъни маълумотлар базаси бир жойда тўпланмайди, балки тармоқдаги барча компьютерлар бўйлаб тақсимланади. Шунинг учун, бирон бир блокни алмаштириш ёки бузиш деярли мумкин эмас, чунки бунда тармоқдаги барча компьютерларни бузишга тўғри келади. Блокчейн технологиясидан фойдаланиш нисбатан осон, тез, хавфсиз ва бутунлай шаффофдир. Масалан, агар блокчейн тармоғида транзакция содир бўлса, маълумотлар миллионлаб компьютерларда сақланади ва бу ҳеч қачон йўқолмаслиги ёки ўзгартирилмаслиги таъминланади.

Блокчейн тармоқларини яратиш учун жуда кўп турли хил усуллар мавжуд, аммо улар тизим қурилишининг тақсимланган тури туфайли ҳар доим маълум даражада марказлашмаган бўлади. Бунинг сабаби, блокчейн барча ёзув оқимларни текшириш ва тасдиқлаш учун синхрон ишлайдиган кўплаб компьютер узеллари томонидан қўллаб-қувватланади. Уларнинг мақсади маълумотлар аниқлигини (ишончлигини) сақлаб қолган ҳолда маълумотлар

базаси ҳолатини мувофиқлаштиришдир.

Блокчейнга асосланган бюджет тизимидан фойдаланиш давлат маблағларини назорат ва мониторинг қилиш сифатини оширади, чунки бу тизим маълумотларнинг ўзгармаслигининг юқори даражасига эга ва бутун тармоқ тузилишини созлаш мумкин, шунингдек фақат белгиланган ҳолларда ва ваколатли органларга (шахсларга) ўзгартиришлар киритиш учун (бюджет маблағларини тақсимловчи давлат органлари тегишли тасдиқлаш мезонларини белгилайди ва ушбу жараёни очиқ тартибга солади) маълумотларга киришни таъминлайдиган усулдир. Шу билан бирга, фирибгарлик ва маълумотларни сохталаштириш эҳтимоли сезиларли даражада бир неча баробарга камаяди.

Шу билан бирга, марказлаштирилмаган блокчейн тармоқлари ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари учун бюджет маблағларини ажратиш билан боғлиқ барча ҳужжатлардан доимий фойдаланишни таъминлаши мумкин (агар улар кириш имконига эга бўлса), бу ўз навбатида уларни кўриб чиқиладиган талон-торожликларни ҳужжатлаштириш бўйича ишини осонлаштиради, шунингдек, коррупцион ҳаракатларни ҳам қамраб олади.

Бу турли ташкилот ва идораларга муурожаатлар сонини камайтиради. Шу билан бирга, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг таклиф этиладиган инфратузилмаси жиноятчилар, жумладан, коррупционер мансабдор шахслар учун бюджет маблағларини талон-торож қилиш жараёнини сезиларли даражада мураккаблаштиради, шунингдек, ноқонуний молиявий операциялар ва “ношаффоф ташкилотлар” сонини камайтиради.

Бу борада кўплаб хорижий тажрибалар тўпланган, масалан, Нидерландиянинг Гронинген вилоятида (провинциясида) блокчейн тармоқларидан фойдаланишнинг ижобий тажрибасини келтириш мумкин.

2016 йилда ишга туширилган “Stadjerspas” лойиҳаси, у кам таъминланган фуқароларга субсидияланган хизматлар кўрсатиш учун блокчейн функцияларидан фойдаланадиган хизматдир. Бунда жараёни кўйидагича тавсифлаш мумкин, фуқаро давлат идорасига шахсий маълумотларини (исми,

манзили, фуқаронинг шахсий рақами (ID) ва бошқаларни) тақдим этиш орқали “Stadjerspas” лойиҳасида иштирок этиш учун ариза беради.

Маъсул мансабдор шахслар аризани кўриб чиқиб, фуқаронинг давлат томонидан ҳар қандай ёрдам олиш ҳуқуқига эга эканлигини аниқлаштиришади. Агар жавоб ижобий бўлса, давлат идораси фуқаронинг шахсий маълумотлари билан боғланган блокчейнда аноним идентификация ва аутентификациясини амалга оширади (марказлаштирилган миллий шахсий маълумотлар реестрида) ва унга унинг индивидуал мезонлари бўйича “ақлли ваучер”ларни тайинлайди.

Ҳар бир ақлли ваучер маълум бир хизматни тақдим этади, масалан, уй-жой сотиб олиш ёки ижарада туриш учун субсидия. Фуқаро тизимга уланганидан кейин ваколатли хизмат кўрсатувчи провайдерларнинг хизматларидан фойдаланиши мумкин, уларнинг ҳар бирида фойдаланувчи учун QR кодини сканерлаш учун илова мавжуд. QR код ақлли ваучерни фаоллаштириш ва нархларни ҳисоблаш учун ишлатилади.

Ҳар сафар ваучер фаоллаштирилганда, смарт-контракт фуқаронинг маълум бир хизмат учун имтиёз мезонларига мос келишини ва у ўзининг смарт-ваучеридан неча марта фойдаланганини текширади ва смарт ваучердан ҳар бир фойдаланиш тизимда хизмат кўрсатувчи провайдер томонидан рўйхатга олинади.

Фуқаролар ўзларининг QR кодлари орқали улар учун мос бўлган ақлли ваучерларни мобил илова ёки веб-порталда кўришлари мумкин бўлади. Белгиланган вақтдан сўнг, хизмат кўрсатувчи провайдерлар фуқароларга хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун ваколатли идорадан SEPA тўлов тизими орқали маблағлари қоплаб берилади .

Миллий молия-иқтисодиёт тизимида блокчейн технологиясини қўллаш турли иқтисодий жараёнларга ижобий таъсир кўрсатади, масалан молия бюджет соҳасидаги субсидияларни ажратиш жараёнига. Блокчейн технологияларини қўллаш бюджет маблағларининг “мақсадли” ва “манзиллиги”ни таъминлаши мумкин. Шунингдек, дастурлаштирилган пул

оқимлари аниқ субъектга очик манзилли тақсимланади ва мақсадли сарфланади, давлат органлари эса муайян муаммоларни ҳал қилиш учун тегишли тоифадаги (имтиёзли) олувчиларга бюджет маблағлари ажратилиши кафолатини олади.

Шу билан бирга, блокчейн асосида яратилган ақли ваучерлар ажратилган бюджет маблағларидан самарали фойдаланишни назорат қилишнинг ишончли усули бўлиб ҳисобланади.

Бундан ташқари, блокчейнда тузилган ва сақланадиган барча маълумотлар мутассади ташкилотлар томонидан назорати таъминланади ва бу ўз навбатида давлат харажатларининг шаффофлигини сезиларли даражада оширади.

Ўз навбатида, блокчейн технологияси асосида яратилган ақли шартномалар ва рақамли валюталардан фойдаланаётган жисмоний ва юридик шахслар давлат томонидан қўллаб-қувватланадиган ёрдамни (грант ва субсидиялар) янада соддалаштирилган ва қулай шаклда олишлари мумкин бўлади. Шу билан бирга, уларнинг ўзлари мобил илова ёки веб-портал орқали махсус смарт-ваучерлардан фойдаланишда жараённи назорат қилишлари мумкин бўлади. Бунинг натижасида давлат органларининг молиявий кўмак олувчилар билан ишлаш жарарёнлари оптималлаштирилади ва коррупцион ҳолатлар ва улар билан боғлиқ рисклар хавфи бир неча баробарга камаяди.

Бундан ташқари, блокчейн технологиясидан фойдаланишнинг муҳим сабаби давлат органлари ишини оптималлаштириш ва унинг самарадорлигини ошириш орқали операцион харажатларни максимал даражада камайтиришдир.

Шу билан бирга, блокчейн технологиясига асосланган тизим операцион вазибалар ва иш жараёнларини автоматлаштириш орқали ҳужжатларни бошқариш вақтини ва харажатларини сезиларли даражада камайтиради.

Блокчейн ва бошқа рақамли технологиялар бир қатор афзалликларни тақдим этади, бу эса уларни бюджет маблағларини талон-торож қилишга қарши курашда самарали воситага айлантиради.

Рақамли технологиялар барча транзакцияларнинг шаффофлигини ошириш, реал вақт режимида мониторинг қилиш, юқори хавфсизлик ва ноқоннуний хатти-ҳаракатларни аниқлаш ва уларнинг олдини олиш ҳамда бундай фаолият натижасида етказилиши мумкин бўлган зарарларни камайтиришга ёрдам беради. Рақамли технологияларни жорий этиш орқали давлат молиявий бошқарув тизимларининг яхлитлиги таъминланади, маблағларнинг манзиллиги ва мақсадлилиги ошиб боради.